



Тошкент оқшомми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 216 (12.027) Баҳоси эркин нарҳда

«Ўқитувчилик касбининг асосий мезонлари – фидойилик, меҳнатсеварлик, сабр-бардош, қатъият ва изланувчанлик бўлса, ўқувчи қалбига йўл топа олиш, меҳрини, қалб кўрини шогирди муваффақияти учун бахшида этиш том маънода устозлик макомини эгаллашдир. Мен устозим Тўхтажон Юсуповани ана шундай фазилатлар соҳибаси деб биламан. Биз, шогирдлар у кишига ўхшагимиз келади».

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бу А.Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежининг махсус фан ўқитувчиси Т.Юсупованин шогирдларидан бири Зийда Тиллабоеваннинг сўзлари.

Т.Юсупова – аксарият шогирду ўқувчилари республика ва халқаро кўрғазмаларда муваффақият қозониб келаётган тажрибали педагоглардан. Бунда опанинг талабчанлиги, ҳар бир ёшдаги истеъдод қирраларини тез илғаш, уларни аниқ мақсадлар сари йўналтира олиши, тасвирий санъат сирларини пухта ўргатиши муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида маънавият, маърифат, таълим, маданият ва санъат ривожини, нақирон авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган меҳр-эътибор, эзгу савий-харакатлар юртимизнинг барча ўқитувчилари каби Тўхтажон опага ҳам улкан мадад, рағбат ва эътибор, маънавий куч бағишламоқда.

Истиқлол йилларида ўқитишнинг мутлақо янги бугини – ўрта махсус, касб-хунар таълим масканида тест синовлари ўтказилгани бунинг тасдиғидир. Бугун кад ростлаётган замонавий билим масканлари, «Баркамол авлод» болалар марказлари, мусика ва тасвирий санъатга ихтисослашган ўқув даргоҳлари, турли ижодий лойиҳалар нафақат ўқувчи-ёшлар, айна пайтда педагогларни ҳам янгича фикрлашга, изланишга, ўқитувчи меҳнатини улуғлаш борасидаги гамхўрликларга муносиб бўлишга ундамоқда.

Муаллима 1998 йилда Урганчдаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатда ишлаб юрган кезларида ҳар

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИНГ ЖОНКУЯР УСТОЗИ

бир боланинг ўзи алоҳида бир дунё, унинг қалбига йўл топа олиш, истеъдодини вақтида аниқлаш, қўллаб-қувватлаш педагогдан кунт, алоҳида билим ва маҳоратни, фидойиликни талаб этишини англади. Билим даргоҳида рангтаъсир, композиция, gobelen – матога рангин иплар ёрдамида тасвир ишлаш каби махсус фанлар бўйича ўқувчиларга сабоқ берди.

Болани муайян мавзуга қизиқтира олиш, ундаги қобилиятни пайқаш – Тўхтажон опанинг фазилатларидан. Шу боис унинг заҳматли меҳнатлари исиз кетмаётди. У сабоқ берган ўқувчиларнинг ижодий ишлари Чехия, Миср, Хиндистон каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўрғазмаларда совринли ўринларга сазовор бўлди. Умарбек Ражабов, Қахрамон Матқаримов, Бехзод Аминов сингари қўллаб ёшларнинг тасвирий санъатдаги илк муваффақияти опанинг самарали фаолияти натижасидир.

Хозир Т.Юсупова А.Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежида ўқувчи-ёшларга «Гилам ва gobelen тўқиш технологияси» фанидан дарс бермоқда. 2003 йилда жонкуяр ўқитувчининг савий-харакатлари билан мазкур коллежда гилам ва gobelen тўқиш бўлими ташкил этилди. Утган йиллар мобайнида унинг Рустам Мамбетов, Анвар Назаров, Нуриддин Нарзиёв, Динара Бекчоновна, Шахноза Алиева, Феруза Эргашева, Рихсидон Холитова сингари шогирдлари «Навқирон авлод», «Келажак овози», «Тасвирий санъат ҳафталиги» сингари кўрғазма ва фестивалларда, халқаро биенналеларда совринли ўринларни эгаллади. Опанинг кол-

леждан учирма бўлган битирувчилари хозир ижодий жамоа ва бирлашмаларда, «Баркамол авлод» болалар марказлари, санъат йўналишидаги мактабларда меҳнат қилмоқда. Индира Иброҳимова, Хуршида Алимова сингари шогирдлари эса ушбу коллежда опа билан ёнма-ён фаолият кўрсатмоқда.

– Ортимизда санъат ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор ёшларнинг бадиий диди, тафаккури ва дунёқараши-нинг ўсишида, уларда эзгу маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланишида муҳим омили бўлмоқда, – дейди Т.Юсупова. – Буларнинг барчаси юртимизда барпо этилаётган санъат қосоналари, галереялар, кўрғазма заллари, музейларнинг болалар, ўқувчи-ёшлар билан доимо гавжум эканида, ижодий танловлар, тасвирий санъат ҳафталикларининг гоят кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказилаётганида, ўзбекистонлик ижодкор ёшларнинг халқаро микёсдаги нуфузли кўрғазмаларда муваффақият қозонаётганида намоён бўлмоқда. Эзгу ишлар биз, педагогларни масъулиятни астойдил ҳис этишга, яратилган шариитдан унумли фойдаланишга, имкониятларнинг қадрига етишга, муносиб авлодларни тарбиялаб, вояга етказишга ундайди.

Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида эълон қилинган фармонига биноан Т.Юсупова «Шухрат» медали билан тақдирланди. Бу эса юртимизда устоз-мураббийлар доим эълонда эканининг амалдаги яна бир тасдиғидир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкентда мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик мувозанатни таъминлаш борасида эришилган натижалар ва БМТнинг 2012 йилда бўладиган барқарор ривожланиш бўйича «Рио+20» конференциясига тайёргарлик масалаларига бағишланган давра сўхбати ташкил этилди.

ЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

«Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умумийлик бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда)

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Иқтисодий вазирилик, Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда юртимиздаги

вазирлик, идора, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров ва бошқалар Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда экологик муаммоларнинг инсон саломатлиги ва жамият тараққиётига салбий таъсирларини камайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш кишга тайёргарлик масалаларига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонасида ўтказилган маънавий-маърифий бадиий кеча «Буюк алломалар меросини асраш ва уни аждодларга етказиш» мавзусида ўтказилди.

✓ **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб ўтган давра сўхбати «Ак-тёрлик маҳорати», «Режиссура ва оператор ҳамкорлиги» деб номланди.

ЎЗБЕКИСТОН ТОКИОДАГИ ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА

Токиода «JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011» деб номланган халқаро сайёҳлик кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Япония ҳукумати кўмағида JATA сайёҳлик агентликлари ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур кўрғазмада жаҳоннинг 144 мамлакатидан 700 дан зиёд компания ва ташкилот қатнашди. «JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011» халқаро сайёҳлик кўрғазмасида мамлакатимиз ҳам муносиб равишда иштирок этди.

Ўзбекистоннинг замонавий сайёҳлик инфратизимлари хусусидаги атрофлича маълумотлар, халқ амалий санъати, гўзалликда бетакрор ўзбек хунармандчилиги маҳсулотлари, шунингдек, мамлакатимизнинг бой меъморчилик меросини намойиш этувчи Самарқанд, Хива, Бухоро, Тошкент сингари қўҳна ва нақирон шаҳарларимиз бағридаги ноёб осори-атиқалар акс эттирилган ранг-баранг фотосуратлар кўрғазма пештахталаридан жой олди.

Кўрғазма иши доирасида Ўзбекистон вакилларининг қатор хорижий мамлакатлар туроператорлари билан амалий учрашув ва музокаралари ҳам бўлиб ўтди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон компаниялари намойиш қилган сайёҳлик маҳсулотлари, шунингдек, республикамиз сайёҳлик салоҳияти тақдироти кўрғазма меҳмонларида катта таассурот қолдирди. Уларнинг айримлари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Япониядаги «Intourist Japan» сайёҳлик компанияси менежери Масахико Нишитай японияликларда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиқиш истағи ҳаммиса катта бўлгани ва бу қизиқиш тобора кучайиб бораётганини айтди. У, шунингдек, айна пайтда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари билан таништириш мақсадида «Intourist Japan» ва «Nokyo Kanako» сайёҳлик компаниялари ўзаро ҳамкорликда янги сайёҳлик йўналишини ишлаб чиқаётганини маълум қилди.

«AJT Inc.» япон сайёҳлик компаниясининг маркетинг ишлари бўйича менежери Акане Масаока ушбу халқаро кўрғазма доирасида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўли мавзусига бағишланган симпозиуми ҳам бўлиб ўтганини айтди. Японияда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясини намоён этувчи мазкур «AJT Inc.» компанияси ҳам ушбу кўрғазма доирасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини тақдим этди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон сайёҳлик фирмаларининг ушбу тадбирда фаол иштирок этаётгани хорижий мамлакатлардаги турдош компаниялар билан янги амалий алоқаларни ўрнатиш имконини берди.

Япониядаги «ННК» телерадио корпорациясининг етакчи ходими Казухи Имадо ўзининг Ўзбекистон бўйлаб сафарини чоғида орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ҳамда мамлакатимиз бениҳоя бой ва ўзига хос, бетакрор маданий меросига эга эканлигини қайд этди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистоннинг гўзал табиати ва ноёб меъморий ёдгорликлари том маънода хорижий сайёҳлар ақлини шоширади.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Наманган вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллаш ва юридик расмийлаштириш масалаларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.
- Ҳазорасп туманидаги Карвак, Янги-Бозор, Овшар, Мухомон қишлоқларига қувур тортилиб, тоза ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди. Жорий йилда вилоятда ушбу мақсадлар учун 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 22 та қишлоққа ичимлик суви тармоғи тортилди.
- Қизилтепа туманилик ишбилармон Муҳиддин Саидов маҳаллий хом ашёдан кунига 20 тонна оҳак тайёрлаш қувватига эга «Марож омад бизнес» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Қиймати 100 миллион сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан 10 га яқин киши иш билан таъминланди.
- Шаҳрихон туманидаги касб-хунар коллежлари билан академик-лицейлар талабалари учун «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси асосида махсус ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тадбир «Микрокредитбанк» ОАТБ туман филиали ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.
- Олтинқўл туманидаги «Олтин соҳил» маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 96 та ташкилот ва корхона ўзларидаги мавжуд иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбир давомида 113 нафар киши иш берувчи муассасалар билан шартнома имзолади.
- Андижон туманидаги «Ўрикзор» маҳалласи фуқаролар йиғини аҳолиси замонавий турар жойларга эга бўлди. Лойиҳа қиймати 7 миллиард 22 миллион сўмни ташкил этувчи ушбу бунёдкорлик ишлари натижасида 82 та оила замонавий уй-жойга кўчиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Бугун тунги соат 00 дан икки дақиқа ўтганида Россия Федерациясининг Калининград шаҳридаги перинатал марказда Николаевлар оиласида учинчи фарзанд — Петя Николаев туғилиши билан ер қурра-сидаги аҳоли сони 7 миллиард кишига етгани БМТ томонидан расман қайд этилди.
- Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмероннинг таъкидлашича, мамлакат маъмурлари тез орада Британия байроғи остида сузаётган тижорат кемаларига ўз бор-тарафда қароқчилардан ҳимояланиш учун қуролланган кўриқчиларни олиб юришларига рухсат берилди. Шу йўл билан ҳукумат Сомали қирғоқларидаги ўз кемаларини ҳимоя қилиш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга оширади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда қонунга қўра тижорат кемаларига қуроли кўриқчиларни ёллаш учун рухсат берилмайди.
- Хитой ижтимоий ҳавфсизлик вазирлигининг маълумотларига қўра, ушбу мамлакатда Интернет орқали гиёҳванд моддаларни сотиш иши бўйича 12 минг 125 нафар гумондор шахслар ҳибсга олинган.
- АҚШнинг шарқий қирғоқларида шу кунларга мос бўлмаган ҳолда жуда эрта равишда қалин қор ёғди. Натижада кўп жойларда қор электр узатиш тармоқларини ишдан чиқарди ва 1 миллион 700 мингдан ортиқ киши электр қувватисиз қолди. 500 мингдан кўпроқ киши электр қувватидан узилиб қолган Нью-Жерси штатида эса фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ноқулай об-ҳаво натижасида мингга яқин авиарейслар бекор қилинди, кўпгина аэропортлар ёпилди.
- Кеча Хиндистоннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Аруначал-Прадеш штатидаги кўприкнинг қулаши натижасида камида 30 киши ҳаётдан кўз юмди.
- АҚШ Сенати янги қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Унга қўра, ушбу мамлакатдан камида 500 минг АҚШ доллари миқдоридидаги турар жой ва хусусий мулк сотиб олган хориж фуқароларига уч йиллик бепул виза тақдим этилади. Турар жой харид қилганлар АҚШда йилга камида 180 кун яшаш ва солиқларни тўлаши шарт. Экспертларнинг изоҳлашича, ушбу лойиҳа хусусий мулк бозорини барқарорлаштириш мақсадида татбиқ этилмоқда.

